

**И.ф.д. Бобуржон ИЗБОСАРОВ**

**Тошкент молия институти**

## **БАНКЛАРНИНГ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация:** Мақолада глобаллашув шароитида тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш ҳамда таъминлаш масалалари тадқиқ этилган. Хусусан, тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш таъсир этувчи омиллар таҳлили амалга оширилган, шунингдек, республикамиз амалиётида тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ликвидлик, тижорат банки, Марказий банк, кредит, муддати ўтган кредит, кредит rischi, трансформация rischi, мажбурий захира сиёсати, очиқ бозор операциялари.

## **ANALYSIS OF FACTORS AFFECTING THE LIQUIDITY REGULATION OF BANKS**

**Abstract:** The article examines the issues of regulation and provision of liquidity of commercial banks in the context of globalization. In particular, the analysis of the factors affecting the regulation of the liquidity of commercial banks was carried out, as well as scientific proposals and practical recommendations aimed at ensuring the liquidity of commercial banks in the practice of our republic were developed.

**Key words:** liquidity, commercial bank, Central Bank, credit, overdue credit, credit risk, transformation risk, mandatory reserve policy, open market operations.

### **Кириш**

Глобаллашув шароитида тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ролини ошириш, миллий иқтисодиётдаги тўловларнинг узлуксизлигини таъминлашнинг зарурий шarti эканлиги халқаро ва миллий банк амалиётида ўз исботини топган.

Хусусан, тижорат банкларида баланслашмаган ликвидлик муаммосининг пайдо бўлиши бериладиган кредитлар миқдорининг камайишига, банклар орқали ўтадиган тўловларнинг кечикишига ва ўтмай қолишига сабаб бўлиши амалиётда ўзининг эмпирик исботини аллақачон топган. Шу сабабли, мамлакат банк тизимининг ликвидлигини таъминлаш масаласи ҳар доим тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг асосий масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистонда тижорат банкларининг актив операцияларини ривожлантириш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун эса «давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаш, хусусий банкларнинг улушини 2025 йилда жами банк активларининг 60 фоизига етказиш» каби вазифалар белгилаб берилган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида банк назоратининг халқаро принциплари доирасида тижорат банклари капиталининг етарлилиги, ликвидлилиги ва барқарорлиги бўйича талабларни бажариш вазифаси қўйилган [2].

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 11 ноябрдаги ПФ-5877-сон “Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4487-сон “Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида глобаллашув шароитида рақамли банкларни ривожлантириш, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш, электрон тўловларни ривожлантириш, инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини оқилона юритиш, валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича, банк тизимига ахборот-технологик платформаларнинг янги моделларини яратиш зарурати ва бажариш вазифалари келтириб ўтилган [3].

Глобаллашув шароитида тижорат банклари ликвидлилигини тартибга солиш муҳим масалалардан бирига айланмоқда, чунки дунёда рўй бераётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозларининг туб сабаби тижорат банкларида ликвид маблағлар тақчиллиги ва етишмовчилиги ҳисобланади.

### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

Тижорат банклари ликвидлилиги, уларнинг тўловга лаёқатлилиги каби масалалар иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан ҳам кенг эътибор қаратилган. Хусусан, америкалик иқтисодчилар Дж.Долан, Д.Кэмпбелл ва Дж.Кэмпбеллар (1991) тижорат банкларининг тўловга қобилиятсизлик ҳолатига тушиб қолмаслигига эътибор қаратади. Уларнинг фикрига кўра: “Тўловга қобилиятсиз банк (insolvent bank) – бу ушбу банкнинг депозитлар ва қарз мажбуриятлари суммасининг йиғиндиси активлар ҳажмидан ортиб

кетишидир” [4]. Хорижлик иқтисодчи олимларнинг фикрларига жиддийроқ эътибор берадиган бўлсак, банкларнинг мажбуриятлари активларидан ортиб кетганда улар тўловга лаёқатсизлик ҳолатига тушиб қолиши таъкидланмоқда. Биз бу таърифда эътибор қаратган жиҳатимиз, банкларда шу ҳолатнинг вужудга келиши уларнинг ликвидсизлик ҳолатини ҳам келтириб чиқаради.

Демак, бизнинг фикримизча, банк дастлаб ликвидсизлик ҳолатига тушади, кейинчалик эса уларнинг фаолиятида тўловга қобилиятсизлик ҳолати юз беради ва охир оқибат банкротликка юз тутаяди.

Тижорат банклари ликвидлиги, уларни тартибга солиш каби масалалар иқтисодчилар Лаврушин (2005), Ларионова(2003), Усоскин (1998), Колесников (1995), Пановалар (1997) томонидан ҳам жуда чуқур ўрганилиб, тегишли илмий ва назарий хулосалар шакллантирилган.

Жарковская (2006) “ликвидлик – бу банкнинг ўз вақтида, тўлиқ ва минимал харажатлар эвазига мажбуриятини бажаришидир”, –деб таъриф берган [5]. Биз муаллифнинг ўз вақтида ва тўлиқ деган фикрига қўшилаемиз, чунки банк миқдорнинг талаби бўйича пул маблағлари ўтказиш ёки нақд пулга бўлган талабини у талаб қилган пайт, яъни шу куни бажариши жуда муҳим ҳисобланади. Банк буни бир соат, икки соат ёки 1-2 кунга кечиктириб бажариши мумкин, лекин кечиктириб бажариши ҳам ликвидсизлик ҳолатига тушиб қолганлигини англатади.

Лаврушин: (2005) “Банк ликвидлиги – унинг ўз вақтида ва кам сарфлар ҳисобига омонатчилар, кредиторлар ва бошқа миқдорлар олдидаги мажбуриятини адо этишидир”[6]. Бу таърифда эътиборли жиҳати, биз юқорида таъкидлаган “тўлиқ” деган ибора ишлатилмаган, шу жиҳатдан, бизнинг фикримизча банклар миқдорлар олдидаги мажбуриятини тўлиқ бажарилиши муҳим ҳисобланади.

Тавасиев (2001): “Банк ликвидлиги – таҳлил жараёнида банк миқдорлар ва турли контрагентлар олдида мажбуриятларини бажариш имконияти ва истагининг мавжудлигида намоён бўлади” [7]. Бизнинг фикримизча, ушбу таъриф бошқаларига нисбатан банкнинг ликвидлилик ҳолатини очиқ беришга хизмат қила олмайди, чунки “таҳлил жараёнида”, “имконияти ва истагининг мавжуд бўлиши” каби иборалар бу ерда ортиқча қўлланилган бўлиб, банк ликвидли бўлиши учун мажбуриятни тўлиқ ва талаб қилинган пайтда бажариши муҳим ҳисобланади. Банкнинг имконияти ва истагининг бор ёки йўқлиги миқдор ўз пулини талаб қилганда инобатга олинмайди, агар бажармаса у ликвидсизлик дея баҳоланиб, миқдорларнинг банкка бўлган ишончи пасаяди, охир оқибат йўқолади, бунинг тавсилотлари эса бутун банк тизимига салбий таъсир кўрсатади.

Колесников ва Кролевицкаялар (2002): “ликвидлик – бу тижорат банки томонидан ўз вақтида ва тўлиқ мажбуриятини бажарилишини таъминлаш, бу [International Journal of Finance and Digitalization](http://www.ijfd.uz)  
Email: [ijfduz@gmail.com](mailto:ijfduz@gmail.com)

эса банк капиталининг етарлилиги, тегишли муддатларни ҳисобга олган ҳолда банк балансининг актив ва пассив моддалари бўйича маблағ ҳажми ва унинг жойлаштирилиши демакдир” [8]. Албатта таъриф жуда ҳам кенг ва айрим иборалар (...банк капталининг етарлилиги..., ... актив ва пассив моддалари бўйича маблағ ҳажми ва унинг жойлаштирилиши...) ортикча қўлланилган деб ҳисоблаймиз, бироқ эътиборли жиҳати “ўз вақтида ва тўлиқ” дегани фикрлари эътиборга лойиқ дейишимиз мумкин.

Абдуллаева (2010): “Ликвидлик атамаси сотиш, активларни пул маблағларига айлантиришнинг амалга оширилишини, яъни банкнинг Марказий банк ёки вакил банклардаги нақд пул маблағларидан оқилона фойдаланиш, ликвид активларини сотиш имконияти ва ҳ.к.ларни англатади.”, деб таъриф берган бўлса [9], Омонов (2010) ликвидликка: “Ликвидлик – бу банкнинг мижозлардан кутилган ва кутилмаган ҳолатларда молиявий ресурсларга бўлган талабни қондириш қобилиятидир”, - дея таъкидлайди [10].

Берилган таърифлардан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимлар банкларнинг тўлов қобилияти ва ликвидлилиги каби тушунчаларни эътироф этган ҳолда, уларга ўз ёндошувларини ифода этмоқда, бироқ ушбу тушунчалар мазмун жиҳатидан бир-биридан жиддий фарқ қилмайди.

### **Тадқиқот методологияси**

Глобаллашув шароитида республикаимиз тижорат банкларини ликвидлилигини тартибга солиш бўйича кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Глобаллашув шароитида тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш методологияси ва ҳуқуқий асосларига ва тижорат банклари ликвидлилигини тартибга солиш бўйича тўпланган тажриба яқиндан ўрганилди ва маълумотлар базаси йиғилди. Тўпланган маълумотлар асосида кузатиш ва иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантиқий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган қуйидаги долзарб муаммоларнинг мавжудлигини эътироф этиш лозим.

1. Тижорат банкларида трансформация рискининг чуқурлашиб кетганлиги.

Маълумки, трансформация rischi тижорат банки активларининг муддатини жалб қилинган ресурслар муддатидан катта бўлиши натижасида юзага келади. Ушбу рискни қисқа муддат ичида баргараф қилинмаслиги

банкда баланслашмаган ликвидлик муаммосининг чуқурлашишига олиб келади. Қайд этиш жоизки, республикаимиз йирик тижорат банкларининг барчасида трансформация rischi мавжуд.

2. Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдорининг катта эканлиги.

Марказий банк фаолиятининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган банк тизими барқарорлигини таъминлаш йўналишида ҳам тизимли ишлар давом эттирилди.

Ушбу йўналишда асосий эътибор иқтисодиётнинг молиявий ресурсларга бўлган талабини реал ўсиш суръатлари доирасида қондириб боришга ҳамда банк тизимида молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мақбул даражада бўлишини таъминлашга қаратилди.

Хусусан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 166,7 трлн. сўм ёки 2020 йилга нисбатан 1,3 баробарга кўп кредитлар йўналтирилди.

Пандемияни иқтисодиётга салбий таъсирларини юмшатиш чора-тадбирлари доирасида 2021 йилда фаолияти тўлиқ тикланмаган 14 647 та хўжалик субъектларининг 21,4 трлн. сўмлик потенциал муаммоли кредитларнинг қайтариш муддатлари такроран 3-6 ойга узайтирилди.

Банк тизимида кредит хатарлари ортининг олдини олиш мақсадида 2021 йилда банкларнинг 4,1 трлн. сўмлик даромадлари эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар шакллантиришга йўналтирилди.

Таъкидлаш керакки, кредитлаш ўсиш суръатларининг юқори даражада сақланиб қолиши иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан бирга банк тизимида муоммоли кредитларнинг ортишига ҳам олиб келмоқда.

Бу борада банк тизими кредит портфели таркибидаги муаммоли кредитларнинг банклар молиявий барқарорлигига бўлган салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида банклар ва ҳукумат томонидан тегишли чора-тадбирлар кўриб борилмоқда.

(муаммоли кредитлар улуши 2021 йил якунида 5,2 фоизни (16,9 трлн сўм) ташкил этди).

Натижада, кредитларнинг қайтувчанлик даражаси 2021 йилда 59 фоиздан 71 фоизгача ошди.

Банкларнинг ресурс базаси 2020 йилга нисбатан 66 трлн. сўмга ёки 22 фоизга ўсди.

Хусусан, банк тизими ресурслари таркибида миллий валютадаги узок муддатли депозитлар ҳажми 1,8 баробарга ортди.

Макропруденциал сиёсат инструментларини амалиётга фаол жорий этиш ва молиявий барқарорликни таъминлаш доирасида аҳолининг банк

кредитлари бўйича қарз юкини мунтазам кузатиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Халқаро Базель III стандартларига мувофиқ юқори фоиз ставкаларда ажратилган ҳамда муаммога айланган кредитларга нисбатан 1,5-2 баробар миқдорда капитал буферини шакллантириш талаблари амалиётга жорий этилди.

Тижорат банклари фаолияти турли сценарийларда стресс-тестлардан ўтказилиб, келгусида уларнинг капитали ва ликвидлигига салбий таъсир кўрсатувчи хатарларни камайтириш чоралари кўриб борилмоқда.

2021 йил якунлари бўйича банк тизимида капитал етарлиги кўрсаткичи 17,5 фоизни ташкил этиб, минимал талабдан (13 фоиз) юқори бўлиши таъминланди.

3. Республика Марказий банкининг дисконт ва ломбард кредитлари мавжуд эмас. Бу эса, Марказий банкка қайта молиялаш сиёсати орқали банк тизимининг ликвидлигига таъсир этиш имконини бермайди.

4. Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаларининг юқори эканлиги ва захира ажратмалари суммасини тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидан олиб қўйилаётганлиги натижасида банкларнинг ликвидлигига нисбатан салбий таъсир юзага келмоқда.

\* 2021 йил 5 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира ставкалари тижорат банклари депозитларининг муддатларига боғлиқ равишда қуйидаги тартибда табақалаштирилди:

#### 1-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира ставкалари 2021 йил 5 августдан [11]

Мажбурият тури	Мажбурий резерв нормативлари
Юридик шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари*	4 %
Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари	18 %
Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари*	4 %
Жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари	18 %

\* Ушбу мажбурият турларига (0,8) ўртачалаш коэффициентини қўлланилади.

\* Марказий банк мажбурий захира ставкаларининг 2021 йил 5 августдан оширилганлиги Марказий банкларнинг мажбурий захира ставкалари билан таққослаганда яққол намоён бўлади:

\* Россия Марказий банки - 5,6%;

\* Европа Марказий банки - 2,0%

2021 йил 5 августдан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мажбурий захира ставкалари ўзгартириш киритилгандан сўнг сезиларли даражада ошганини 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

Фикримизча, банк ликвидлигини унинг осон сотиладиган активларини баҳолаш орқали ўлчаш етарли эмас. Тижорат банклари ликвидлигини тўлароқ очиб бериш учун унга “оқим” сифатида ҳам ёндашиш, яъни банкнинг миқдорлари олдидаги мажбуриятларини бажариш учун пул бозоридан ресурсларни фаол жалб қилишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки банк баланснинг ҳолати банк томонидан маблағларни жалб қилишга қодирлигини аниқлаш имконини бермайди.

Тадқиқот жараёнида амалга оширилган қиёсий ўрганишлар ва таҳлиллар асосида: “Тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш – бу банк фаолиятини фойда олиш даражасини пасайтирмаган ҳолда ҳар қандай шаклдаги банк талабгорларининг мажбуриятларини тўлиқ ва талаб қилган пайтда бажариш имкониятига эга бўлишидир” тарзидаги такомиллашган муаллифлик таърифини шакллантиридик.

Амалга оширилган тадқиқотлар ва ўрганишлар натижасида тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишнинг турли назариялари мавжуд бўлиб, уларнинг самарали қўллаш мумкин бўлган учта шаклини 1-расмда келтирдик.

Тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш бўйича қўйилган топшириқларнинг амалиётда бажарилиши, шунингдек, мамлакатимиз йирик тижорат банклари ҳисобланган АТ “Алоқбанк”нинг ликвидлик сиёсати ва унга қўйилган талбалар, шунингдек Марказий банкнинг тижорат банклари ликвидлигига қўйилган иқтисодий нормативларнинг бажарилиши билан боғлиқ ҳолатларни мазкур банклар томонидан бажарилишини таҳлил қиламиз.

## 2-жадвал

### “Алоқабанк” АТБнинг активлари диверсификацияси таҳлили” [12]

( млрд.сўмда ва жамига нисбатан фоизда)

Т/р	Кўрсаткичлар		2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
1.	Жами активлар	суммаси	2 792	5 846	7 341	8 108	12 638
		улуши	100%	100%	100%	100%	100%
	шундан,						
1.1.	Нақд пуллар ва вакиллик	суммаси	988	946	1134	1074	2415
		улуши	35,4%	16,2%	15,4%	13,2%	19,1%

T/p	Кўрсаткичлар		2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
	ҳисобварақларидаги маблағлар						
3.	Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	суммаси	10	24	89	411	509
		улуши	0,4%	0,4%	1,2%	5,1%	4,0%
4.	Кредит ва лизинг операциялари суммаси	суммаси	1627	4 739	5 593	5 697	7 653
		улуши	58,3%	81,1%	76,2%	70,3%	60,6%
5.	Ҳисобланган лекин ундирилмаган фоизлар	суммаси	3	10	63	133	198
		улуши	0,1%	0,2%	0,9%	1,6%	1,6%
6.	Молиявий инструмент бўйича мижозларнинг мажбуриятлари	суммаси	0	0	0	9	533
		улуши	0,0%	0,0%	0,0%	0,1%	4,2%
7.	Асосий воситалар	суммаси	63	83	184	462	812
		улуши	2,3%	1,4%	2,5%	5,7%	6,4%
8.	Кредит ва лизингларни қоплаш учун олинган ва бошқа мулклар	суммаси	0	0	17	34	52
		улуши	0,0%	0,0%	0,2%	0,4%	0,4%
9.	Бошқа активлар	суммаси	101	44	261	288	466
		улуши	3,6%	0,8%	3,6%	3,6%	3,7%

2-жадвални таҳлил қиладиган бўлсак, АТ “Алоқабанк” активларининг асосий қисмини юқори рискка ва юқори даромад олиш манбаига эга кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келмоқда. 2017 йил якунлари бўйича жами активларни таркибида кредит қўйилмалари 58,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 81,1 фоизга етиб, рискли активлар салмоғининг кескин ошишига сабаб бўлган. 2019 йилда 76,2 фоизга, 2020 йилда 70,3 фоизга ва 2021 йилда 60,6 фоизга (нормал ҳолатга) тушган.

Кредит ва лизинглар учун ҳисобланган лекин ундирилмаган фоизлар улуши 16 мартага, асосий воситалар улуши 2,5 баробарга ошганлигини кўриш мумкин. Нақд пуллари ва вакиллик ҳисобварақларидаги пул маблағларининг жами активлардаги улуши 35,4 фоиздан 19,1 фоизга тушган. Бунинг асосий сабабларидан банк активларининг таркибида ҳисобланган лекин ундирилмаган фоизларни кўпайиши, банк балансидаги асосий воситаларни ошиши, молиявий инструментлар бўйича мажбуриятларнинг юзага келиши каби омиллар сабаб бўлган.

2-жадваллардаги активларни солиштирадиган бўлсак, охири беш йил давомида юқори ликвидли активлари камайганлиги кўришимиз мумкин. Шу сабабли активларни қайтариш муддатлари бўйича диверсификациясини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

**3-жадвал.**



**“Алоқабанк” АТБнинг активларини қайтариш муддатлари  
бўйича таҳлили [12]**

(млрд.сўмда ва жамига нисбатан фоизда)

Т/р	Кўрсаткичлар		2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
1.	Жами активлар суммаси	суммаси	2 792	5 846	7 341	8 108	12 638
	шундан,						
1.1.	Талаб қилиб олингунча, муддатсиз активлар	суммаси	943	683	1249	1332	3258
		улуши	34%	12%	17%	16%	26%
1.2.	1-30 кунгача қайтадиган активлар	суммаси	162	310	226	285	273
		улуши	6%	5%	3%	4%	2%
1.3.	31-180 кунгача қайтадиган активлар	суммаси	273	939	1024	1269	1807
		улуши	10%	16%	14%	16%	14%
1.4.	181-365 кунгача қайтадиган активлар	суммаси	338	501	979	1251	1724
		улуши	12%	9%	13%	15%	14%
1.5.	365 кундан кейин қайтадиган активлар	суммаси	1076	3413	3863	3971	5576
		улуши	39%	58%	53%	49%	44%

Юқоридаги 3-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, АТ “Алоқабанк” нинг активларини қайтариш муддатларига қараб диверсификациясини кўрадиган бўлсак, 2018, 2019 ва 2020 йилларда 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштирилган активлар салмоғида кескин ўзгариш бўлган. Бу асосан талаб қилиб олингунча бўлган маблағларни 1 йилдан ортиқ муддатга ажратилган кредитларга йўналтириш ҳисобига юзага келган. Бундай ҳолат банкнинг арзон ресурс ҳисобига юқори даромад олиш имкони бериш билан бир қаторда, банкнинг ликвидлилик ва тўловга қобилиятлилик кўрсаткичларини ошиб кетишига ҳамда юқори рискли активларни кўпайишига сабаб бўлган.

Тижорат банклари актив ва пасивларни рисклилик ва ликвидлилик нуқтаи назардан бошқаришда халқаро амалиётда ГЭП таҳлили жуда кенг қўлланилади, шундан келиб чиқиб, қуйидаги 3-жадвал маълумотлари асосида АТ “Алоқабанк”нинг актив ва пасивларини ГЭП таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда таҳлил қиламиз.

**4-жадвал**

**“Асакабанк” АЖ нинг активларини қайтариш муддатлари  
бўйича таҳлили, [13]”**

(млрд.сўм ва фоизда)

Т/р	Кўрсаткичлар		2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
1.	Жами активлар суммаси	суммаси	24 273	30 355	34 698	45 518	50 804
	шундан,						
1.1.	Талаб қилиб олингунча, муддатсиз активлар	суммаси	4298	1836	6204	6365	7444
		улуши	18%	6%	18%	14%	15%
1.2.	1-30 кунгача қайтадиган активлар	суммаси	709	785	816	1833	2532
		улуши	3%	3%	2%	4%	5%
1.3.	31-180 кунгача қайтадиган активлар	суммаси	1509	1397	3128	4299	4969
		улуши	6%	5%	9%	9%	10%
1.4.	181-365 кунгача қайтадиган активлар	суммаси	2014	3194	2554	4787	4658
		улуши	8%	11%	7%	11%	9%
1.5.	365 кундан кейин қайтадиган активлар	суммаси	15743	23143	21996	28234	31201
		улуши	65%	76%	63%	62%	61%

Юқоридаги 4-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, “Асакабанк” АЖ нинг активларини қайтариш муддатларига қараб диверсификациясида 2018 йилни ҳисобга олмаган ҳолда деярли ўзгариш бўлмаган. 2018 йилда 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштирилган активлар салмоғи кескин ошиб келган, буни ҳисобига талаб қилиб олингунча активлар 3 баробарга камайган. Албатта банкнинг ликвидлик ҳолати пасайишига олиб келган. Таҳлил қилган даврларнинг қолган йилларида “Асакабанк” АЖ ўзига хос бўлган тактика бўйича активларни муддатлари бўйича диверсификациясини амалга оширган.

“Асакабанк” АЖ нинг активлари ва пасивлари бўйича ГЭП таҳлилига таяниб хулоса чиқарадиган бўлсак, банкда бу масала бўйича қатор муаммолар мавжуд бўлиб, ушбу муаммоларнинг ечими сифатида банк активлари таркибида юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестициялар ҳажмини ошириш, олинган кредитлар ва эмиссия ҳисобидан маблағларни жалб қилиш имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимиз тижорат банклари пасивлари таркибида беқарор ва қиймати қиммат маблағларнинг улуши жуда юқори бўлиб уларнинг ликвидлигини тартибга солишдаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш, фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

1. Тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш ва трансакцион депозитларнинг фақат барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш орқали трансформация рискига барҳам бериш лозим.

Трансакцион депозитларда муддат мавжуд эмас. Бунинг устига, уларнинг беқарорлик даражаси жуда юқори. Шу сабабли, улардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланиш, активлар ва мажбуриятларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқлик таъминланган шароитда ҳам, тижорат банкининг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтириши мумкин.

2. Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида:

- мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган, такомиллашган методикаларини республикамиз банклари амалиётига жорий қилиш;

- тижорат банкларида муаммоли кредитларни “олдиндан огоҳлантириш” тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш зарур;

- Ҳукумат кафолатлари асосида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни ўз вақтида ундирилишини таъминлаш мақсадида (Давлат бюджетида ортиқча пул маблағларининг мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб), махсус Жамғарма ташкил этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида Молия вазирига ҳар йилги Давлат бюджети шакллантирилаётганда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан халқаро молия институтларига, хорижий ва мамлакат тижорат банкларига берилган кафолатларга хизмат қилиш бўйича тегишли харажатлар моддасида пул маблағларини кўзда тутиш вазифаси юкланди.

3. Давлат қимматли қоғозларидан очик бозор объектлари сифатида фойдаланиш билан бир вақтнинг ўзида халқаро рейтинг агентликларининг (Standart & Poor’s, Mood’s, Fitch Reytings) юқори кредит рейтингига эга бўлган (камида ВВВ рейтинг баҳога) тижорат банклари ва корхоналарнинг қимматли қоғозлари (депозит сертификатлари, жамғарма сертификатлари, облигациялари) ҳисобидан Марказий банкнинг очик бозор операцияларини йўлга қўйиш лозим.

Бунинг учун зарур шарт-шароитларни ҳам яратиш лозим. Масалан, тижорат банкларида Марказий банкка, пул-кредит органи сифатида, ишонч

бўлиши лозим. Бундан ташқари, инфляция ва миллий валютанинг қадрсизланиши таъсирида қимматли қоғозларнинг реал қиймати пасаймаслиги керак.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан марказлашган дисконт ва ломбард кредитлари бериш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда тижорат банкларини Марказий банк томонидан тўғридан - тўғри кредитлар (овердрафт, кунлик, муддатли шакллардаги кредитлар) бериш узлуксизлигини таъминлаш йўли билан қайта молиялаш сиёсатининг банк тизимининг ликвидлигини таъминлашдаги ролини ошириш зарур.

Марказий банкнинг овердрафт кредитлари тижорат банкларининг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида юзага келган пул маблағлари етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш мақсадида берилади. Кунли кредитлар эса, бир операция кун давомида берилади.

Дунёнинг бир қатор мамлакатларида (Швеция, Россия) кунлик кредитлар Марказий банклар томонидан қимматли қоғозларни гаровга олган ҳолда фоизсиз берилади ва улар миллий тўлов тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида берилади (Низом, 2018).

5. Тижорат банклари активларининг бир қисмини юқори ликвидли қимматли қоғозларда шакллантириш йўли билан уларнинг жорий ликвидлилик даражасини ошириш лозим.

Тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларининг жорий ликвидлик, асосан, юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳисобидан таъминланади. Масалан, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Bank of America (АҚШ) активларининг умумий ҳажмида юқори ликвидли активларнинг салмоғи 24,3 фоизни, Paribas bank (Франция)да эса, ушбу кўрсаткич мазкур санада 15,9 фоизни ташкил этди [14].

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари ликвидлиги иқтисодий моҳияти ва тушунчаси кўпқиррали бўлиб, замонавий шароитда уни чуқурроқ ва теранроқ бошқариш юзасидан қабул қилинадиган қарорларни самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий эълон қилиш бўлими. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832 сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022 сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

4. Эдвин Дж. Долан, Колин Д.Кэмпбелл ва Розмари Дж. Кэмпбел. (1991) Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Общая научная редакция кандидата экономических наук В.В.Лукашевича. Москва-Ленинград, Промышленно-финансовая компания “Профико”. - 446 с. Стр. - 436.

5. Жарковская Е.П. (2006) Банковские дело. Учебник.-М.: Стр. 345-346.

6. Лаврушин О. (2005) Банковское дело. Учебник. 2-е издание. М: Финансы и статистика-672 с.

7. Тавасиева А. (2001) Банковское дело: Управление и технологии. Учебное пособие для вузов. Под редакцией–М.: Стр. – 388.

8. Колесникова В.И., Кролевецкой Л.П. (2002) Банковское дело. Учебник. Под редакцией Колесникова В.И., Кролевецкой Л.П. –М.: “Финансы и статистика”, Стр. - 414.

9. Абдуллаева Ш. (2010) Пул ва банклар. –Т. 2010

10. Омонов А.А (2010) Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Монография. “Фан ва технологиялари”, 43 бет.

11. Бюллетен (2021) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2021 йил статистик бюллетени маълумотлари.

12. АТ “Алоқабанк” нинг йиллик баланс ҳисоботлари маълумотлари.

13. АЖ “Асакабанк»нинг йиллик баланс ҳисоботлари маълумотлари.

14. BNP Paribas. Annual Reports. [www.paribas.com](http://www.paribas.com); Bank of America. Annual Reports. <http://www.bankofamerica.com>